ОҚҚУЛАЛИК ЗАБАРДАСТ ОЛИМ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар машаққатларни умр мазмунига, ҳар қандай ташвишни қалб малҳамига айлантира олишади. Бундай кишилар ўз меҳнат самараларидан қониқмасдан янада шижоат билан яратувчанлик, ижод ва кашфиётлар сари тинимсиз изланишдан тўхтамайдилар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий бўлими раиси Абдураззоқ Мирзаев ҳақида ҳам ана шундай дейиш мумкин...

Орамиздаги одамлар

Нуротанинг Оққула қишлоғида туғилган қаҳрамонимиз ёшлик йиллариданоқ китобга меҳр қўйди. Мактаб таълимидан сўнг Тошкент давлат университетининг геология факультетида таҳсил олди...

Иш фаолиятини ўзи таълим олган даргоҳда илмий ходим лавозимидан бошлаган А.Мирзаев катта меҳнат ва илм йўлларини босиб ўтди. Жумладан, 1992-2007 йиллар оралиғида "Ўзбеколтин", "Монолит" илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда "Бентонит" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, шунингдек Навоий кон-металлургия комбинатида масъул вазифаларда фидойилик кўрсатди. Мазкур йилларда ишлаб чиқариш билан илмни баравар олиб борган олимнинг тақдир йўли кейинчалик буткул фан билан боғланди. Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университетининг Тошкент филиали, Ўзбекистон Миллий университети, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида фаолият олиб бориб, бугунги кунда мазкур илмий даргоҳнинг Навоий бўлимини бошқармоқда.

А.Мирзаев меҳнат фаолиятида камдан-кам геологларга насиб қиладиган бир жиҳатга — нафақат кон кашфиётчиси номини олиш, балки ўзи аниқлаган ер ости бойликлари миллий иқтисодиёт ривожига қўшаётган ҳиссасини кўришга ҳам муяссар бўлган олимдир. У тадбиркор-олим сифатида 7 миллион 142,6 минг тонна захирага эга "Навбаҳор" бентонит гиллари конини 1999 йилдаёқ кашф қилган. Ушбу кондан бугунги кунда республикамиз саноат корхоналарида кенг фойдаланилиб келинмоқда. Бундан ташқари, олимнинг илмий тадқиқотлари ва бевосита иштирокида Зарафшон шаҳри ҳудудидаги "Вовуш" — оқ унсимон доломит кони, Конимех туманидаги "Кўкча" опокосимон гиллари ва "Амантайтау" зич доломит конлари нишоналари ҳам очилган.

Бугунги кунда А.Мирзаев республикамизда саноатнинг турли соҳаларида ишлатиш учун валютага сотиб олиб келинаётган брусит минералини кислотасиз муҳитда ажратиб олиш технологиясини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқотларни олиб бориб, лаборатория шароитида доломитдан соф ҳолда магний оксидини олишга эришди.

Олим илм-фан ютуқларини тижоратлаштириш, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича ҳам самарали ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, А.Мирзаевнинг бевосита саъй-ҳаракатлари натижасида айни пайтда у бошқараётган бўлим ҳамда 10 дан ортиқ хорижий илмий-тадқиқот марказлари, компаниялар ва 15 га яқин республикамиздаги корхона, ташкилот ҳамда институтлар ўртасида ҳамкорлик меморандумлари тузилган.

Фидойи мураббий ёш олимларни тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари билан бугунги кунда ЎзФАнинг Навоий бўлимида докторантура ташкил этилган бўлиб, унда айни пайтда 12 нафар докторант таълим олмоқда. Олим илм-фаннинг таълим билан интеграциясини таъминлашда алоҳида фаоллик кўрсатяпти.

А.Мирзаев 100 дан ортиқ илмий мақолалар, 2 та монография, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, 3 та патент муаллифидир. У мамлакатимизда ҳамда МДҲ республикаларида ўтказиладиган халқаро конференция ва форумларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Забардаст олим мамлакат келажаги, юрт фаровонлиги, жамиятнинг ижтимоий-маънавий барқарорлиги учун ҳамиша қайғуради. Юқори илмий салоҳияти, маънавий-ахлоқий фазилатлари билан ҳурмат қозонган раҳбар илм-фанга ва касбга садоқати, меҳнатсеварлиги ҳамда ижтимоий муносабатларда камтарин ва адолатпарварлиги билан жамоатчилик орасида алоҳида эътиборга тушган. У фаол жамоатчи ҳамдир. Ҳозирда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда.

"Бугун халқпарварликни, Ватан келажаги учун ёниб яшашни давлат раҳбаридан ўрганиш керак, — дейди олим. — Юртимизда кечаётган ўзгаришларга муносиб бўлиш учун икки карра кўпроқ ишлашимиз лозим".

Ширинқул НАБИЕВ,
Навоий шаҳри.

Мутолаа тарғиботи

Бугунги синов кунларида муттасил ишда бўлганларга оила даврасида бўлиш, оила қўрғонини мустаҳкамлаш учун бир имкон туғилди, деса бўлади. Шиддат билан ўтаётган замонда инсонийлик, қадр-қиммат, меҳр-оқибат, фуқаролиқ бурчи ҳақида ўйлаб кўришга, ҳаётнинг, вақтнинг, Ватаннинг қадрига етиш, уни авайлаш лозимлигини уқтириш учун бир сабоқдир бу кунлар. Бир-биридан қизиқ телекўрсатувларни кўриш қаторида китоб ўқиш ниҳоятда самарали натижа беради. Бошқа юмушлар йўқ вақтда китоб ўқиш теран мушоҳадалар қилишга, уни уқишга ундайди.

КИТОБЛАР ҲАМДАМИНГИЗ БЎЛСИН

Китоб — инсонинг яқин дўсти, ақлли суҳбатдоши, беқиёс сирдоши. Китобларда ўтмиш замонларнинг ақл-идроки яшайди. Тарихий мавзудаги китобларни ўқир экансиз, унда аллақачон ўтиб кетган одамларнинг овози аниқ янграб тургандек бўлади, гўё.

Тарихий мавзуда яхши ёзилган асар тарих дарслиги кабидир. Мен Примқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони" китобларини севиб ўқияпман. Агар ўқиган китобингизни қайта мутолаа қилсангиз, ўзингиз учун жуда кўп фикрлар, ғояларни кашф қиласиз.

Ватан соғинчи ва юрт фироғида яшаган давлат арбоби ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур миллатимизнинг фахру ифтихори саналади. "Юлдузли тунлар"да шоҳ ва шоир Бобурнинг ҳаёти тасвирланган, унинг тахтга ўтиришидан бошлаб ўлимига қадар бўлган салкам қирқ йиллик ҳаёти, оилавий муҳити, шоир сифатидаги маънавий дунёси ёритилган.

Бу асар воситасида китобхон XV аср охири XVI аср бошларида юз берган Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон тарихидаги муҳим воқеалар ҳақида маълумот ҳам олади. Тарихий воқеалар ҳаққоний гавдалантирилган. Тақдир Бобурни ёшлигиданоқ турли кўргуликлар билан синагани, хавф-хатарга,

жангу жадалларга тўла ҳаёти ғоят мураккаб қечгани ҳақидаги лавҳалар ғоят таъсирчан ифодалаб берилган.

Дарҳақиқат, китоблар қалбни ёритади, ақлни чархлайди, инсонни юксакликка кўтаради ва кучига куч қўшади. Бобур шахсининг буюклигини таъминловчи воситалардан бири бу — китоб. Бобур доим ўз кўчи билан бирга олиб юрадиган китоблари махсус сақланган экан. Қаерга борса, бу нодир китобларни ўзи билан олиб юрган.

Бугун эса, бизга уйда қолиш ва севимли китобларимиз мутолаасидан завқланиш, ўз қалбимизни бойитиш имкони тақдим этилган. Маънавий бойликка эга бўлинг, зеро, маънан бой кишини ҳеч қим, ҳеч қандай куч енголмайди!

Зарифжон ПЎЛАТОВ,
НДПИ талабаси.

Солиқ сиёсати

Мамлакатимиз миллий солиқ тизимидаги ислоҳотлар тадбиркорлик ривожи учун муҳим имкониятлар эшигини очмоқда. Айниқса, бугунги коронавирус пандемияси даврида тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор имтиёзлар жорий этиляпти.

МАНФИЙ ҚОЛДИҚ СУММАСИ ҚАЙТАРИЛДИ

Пандемия хавфининг мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсири оқибатида экспорт ва импорт операциялари сезиларли даражада қисқарди. Карантин тадбирлари қатъий жорий этилган давлатларда эса бундай иқтисодий жараёнларда кескин тўхталишлар кузатилмоқда.

Республикамизда бундай инқирозли вазиятларда тадбиркорлар ва экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор имтиёзлар жорий этилди. Хусусан, экспорт фаолиятини амалга оширганда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш, бунда ҳосил бўлган манфий қолдиқ суммани экспортёрнинг ҳисоб рақамига қайтариб бериш тартиби тадбиркорлар учун муҳим қулайлик бўлди.

Навбаҳор туманида фаолият кўрсатаётган "Bright Navoi Textile" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона асосий иш фаолияти пахта толасидан ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонанинг йиллик қуввати 4 минг тонна ип-калава маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этади. Бугунги кунда бу ерда 175 нафар ишчи ҳодим меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқарилган ип-калава маҳсулотлари Россия Федерацияси, Хитой ва Туркия давлатларига экспорт қилинади.

Мазкур енгил саноат корхонаси томонидан 2019 йилда 3 миллион 625 минг АҚШ доллари миқдорида ип-калава экспорт қилинди.

— Биз ишлаб чиқарувчилар учун экспортни янада ривожлантириш, фаолиятимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида Солиқ қўмитаси томонидан имтиёз тақдим этилгани айни муддао бўлди, — дейди **корхона директори С.Эшмирзаев.** — Бу имконият бугунги синовли даврда ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш, халқимиз ва жамиятимиз учун муносиб ҳисса қўшишда муҳим кўмакдир.

Ўз навбатида, корхона томонидан экспорт қилинган маҳсулот учун қўшилган қиймат солиғидан 2019 йилда ҳосил бўлган манфий қолдиқ 3 миллиард 250 миллион сўмни ташкил қилиб, ушбу маблағ тўлиғича корхона ҳисоб рақамига келиб тушди.

Ушбу маблағлар ҳисобидан корхона томонидан фаолиятини кенгайтириш мақсадида қурилиш ишларини олиб бориш, ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириб, қўшимча 30 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Вилоят ДСБ матбуот хизмати.